

2



УЧ АСРНИНГ
ГУВОҲИ

4



Эркин КОМИЛОВ,
Ўзбекистон халқ артисти:
**БАХТ ҒОЙИБДАН
КЕЛМАЙДИ!**

5

ЎЗ УЙИДА
ЎЗИ ИЧКУЁВ



6

САБР
ЧЕГАРАСИ



ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!



Баҳорнинг ҳар дами ғанимат, ҳар лаҳзаси бетакрор!



“Оила ва жамият”
газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий
аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳам-
фикр,
ҳаммаслақ бўлиб келаятган муҳтарам
муштарийлар!
Унутманг, сеvimли газетангизга йил бўйи
обуна
бўлишингиз мумкин.



Индекс — 176

ҲИКМАТ

Икки оламда ҳам одамга
керакли ва фойдали нар-
са яхши феъл ва хуш
хулқдир.
Юсуф Хос Ҳожиб

УЧ АСРНИНГ ГУВОҲИ

Юз билан юзлашганлар

Наманганлик Ҳалимаҳон ая Отахўжаева сайёраимиздаги энг ёши улуг инсон сифатида эътироф этилди.

Ўтган йили янги-кўргонликлар Ҳалима момонинг табаррук 117 ёшини катта қувонч билан нишонлашган эди. Икки ўғил, тўрт қиз, етмиш нафар неварани, қирқ нафар чевара ҳамда 18 нафар эварасининг ҳаммаси онахоннинг кўз қувончи, дил пайванди, ҳаётининг боғу гулшанлари бўлиб, тумандаги Қораполвон қишлоғида яшашди. Хўжарадево маҳалласида истиқомат қилаётган Ҳалимаҳон аяни кўрган у эшитган, у билан суҳбат-



ётганим ҳам шу бебаҳо неъматлар

лашган кишининг ҳаваси келади. Сўзлари равон, фикрлари теран онахон ўзини зиёрат қилмоқ умидида келган одамларнинг ҳаммасини алқаб, дуолар қилади.

— Шу кунларга етказганига шукр, — дейди Ҳалимаҳон ая. — Тинч-осуда, озов ва обод юрдагина кут-баракат бўлади. Менинг бундай ёшда ўз ҳаётимдан мамнун бўлиб, ҳаловатда баракали умр кўра-

туфайли, болам. Раҳматли умр йўлдошим Абдуҳомидхўжа Отахўжаев билан 50 йилдан зиёд бирга бахтли ҳаёт кечириб, фарзандларни вояга етказдик. Ҳозирда нуридийдаларимиз — Жўрахон, Абдурахмон, Ҳамидахон, Маликахонлар ҳам анча ёшларга етишди, катта набирам Яхёхон 62 ёшни ҳатлаб ўтди. Болаларим қишлоғимизда деҳқончилик, тадбиркорлик билан шуғулланиб, ҳаммаси оиласи билан тинч-тотув, фаровонликда умргузаронлик қилишяпти. Бир асрдан ортиқ умр кечириб, бундайин дорилмомон замонни кўрмаганман. Ўзбекистонимиз доим обод бўлсин, илоҳим, юртимизга асло кўз тегмасин!

Тургунбек МАҲҚАМОВ.
Янгиқўрган тумани.

ЗИЁЛИЛАР
ГЎШАСИ

Ҳар бир юртдошимиз ўз хонадони ва маҳалласининг файзга тўлиб туриши, тинч-осойишталикда фаровон турмуш кечиришни истади. Бундай эзгу истақлар ҳар бир ҳудуднинг кўрку чиройида акс этади. Бўка туманидаги “Бунёдкор” маҳалласи ана шундай обод гўшалардан бири. Бу маҳалладаги 789 нафар оилада 3341 нафар аҳоли тинч-тотув ҳаётимиз шукронасида, аҳил-иноқликда яшаб келмоқда.

2009 йили туман ҳокимининг қарорига асосан маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси 20 миллион сўм эвазига ҳашар йўли билан бунёд этилди. Бир неча хонадонларда замонавий услубларда ташкил этилган иссиқхонада қиш, баҳор ойларида турли зиравор ўсимликлар етиштирилади. Барқ уриб турган лимонзорларни кўриб баҳри-дилнинг озилади.

— Кўчаларимиздаги озодалик, саранжом-саришталик кишиларимизнинг оққўнгил, меҳнатсеварлиги, оиласи ва кўни-қўшнларига меҳрибонлиги, қалб гўзаллиги туфайли, десам янглишмайман, — дейди маҳалла раиси **Рустам Мирсаидов**. — Кўпчилик ўзи яшаётган маҳаллани муқаддас маскан деб ҳисоблайди. Одамларимиз самимий, бир-бирига оқибатли. Ҳар бирининг камида иккитадан касби ҳунари бор. Аҳолининг асосий қисми деҳқончилик билан машғул. Маҳалламиз қошида маслаҳат

маркази ишлаб турибди. Туманимиздаги “Дилшод” касаначилик корхонаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда 8 нафар касаначимиз тикувчилик, дурадгорлик, қурувчилик йўналишларига жалб этилган. Шунингдек, яқка тартибда ишловчиларимиз ҳам кўпчиликни ташкил этади. Худудимизда 5 та дўкон, 6 та маиший хизмат кўрсатувчи шохобча ишлаб турибди. Очиғини айтганда, маҳаллада тадбиркорлар қанча кўп бўлса, ён-атрофингиз шунча чирой очиб боравераркан.

Тадбиркорларимиздан бири Рустамжон Обидов тўйхона барпо этишни режалаштириб, ҳозирда қурилиш ишларини бошлаб юборган. Бўлажак иншоотнинг биринчи қаватида дорихона, сартарошхона, озиқ-овқат дўкони жойлашиб, уларда ўн нафар киши иш билан таъминланиши режалаштирилган.

— Худудимизда жойлашган мактабда 119 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда, юзлаб ўғил-қизлар туманимиздаги коллежларда касб-ҳунар сирларини ўрганишяпти, — дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси **Муқаддас Аблакулова**. — Мактабда “Ораста қизлар”, маҳаллада “Ораста қизлар даврасида” тўғарақлари феолият юритади. “Гиёҳвандсизлик соғлом ҳаёт сари”, “Ёшлар маънавиятига

Ватан маҳалладан бошланади

масъулмиз”, “Соғлом оила, соғлом турмуш тарзи”, “Тиббий кўриқ — саломатлик гарови” каби қатор мавзулардаги тадбирларда олий тоифали шифокорлар ва бошқа соҳалар бўйича малакали мутахассисларнинг иштирок этаётгани тадбирларнинг таъсирчанлигини янада ошироқда. Шунингдек, тўйдан олдин ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, қариндошлар ўртасида ҳамда эрта никоҳларнинг олдини олиш мақсадида хонадон аъзолари, ота-оналар билан учрашиб, суҳбатлашамиз. Унда, албатта, туман ФХДБ бўлими ходимлари доимий ҳамкорларимиз бўлишяпти.

“Бунёдкор” маҳалласининг ўзида 309 нафар олий маълумотли мутахассис борлигини эшитиб, янада қувондик. Бинобарин, зиёли кишилар фарзандларимизнинг баркамол бўлиб вояга етишида алоҳида ўрин тутди. Бу масканда истиқомат қилувчиларнинг бугунги орзу-мақсадлари ва интилишлари, фаровон ҳаёти билан яқиндан танишиб, мазкур маҳалланинг 2012 йилда ўтказилган “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” танловининг вилоят босқичида “Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда фаоллик кўрсатган фуқаролар йиғини” номинациясига сазовор бўлгани бежиз эмаслигини яна бир бор ҳис қилдик.

Нигора УРОЛОВА,
“Оила ва жамият”
мухбири.
Тошкент вилояти.

ТАРБИЯ МАСКАНЛАРИДА

УМИД ЧЕЧАКЛАРИ

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги Асалбону номли 78-мактабгача таълим муассасасида “Наврўз қувончлари” деб номланган байрам тадбири ўтказилди. Жажжи болажонларнинг ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида айтган шеър ва кўшиқлари, сахна кўринишларида болалик дунёсининг нақадар беғуборлиги, мурғак қалбларда дўстликка садоқат, ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат туйғуларининг улуғланиши яққол намоён бўлди. Кичиктоилларнинг “Алломиш” ва “Барчиной” гуруҳлари беллашуви йиғилганларга янада завқ ва кўтаринки руҳ бағишлади.

— Боғчамизда бу каби тадбирлар мунтазам ўтказиб турилади, — дейди таълим муассасаси муди-

ри **Ақида Балтабаева**. — Болажонлар байрамларни яхши кўришади ва бундай тантаналарга янгилик руҳ билан алоҳида тайёргарлик кўришади. Мен уларнинг кўзларида порлаган қувончда мустақил ўзбекистонимизнинг тинч ва ободлиги, мусаффо осмонимиз, осойишта ҳаётимиз аксини кўраман. Болалар бизнинг умид чечакларимиз. Уларнинг кўнглида миллий қадриятларимизга меҳр уйғотишга ҳаракат қилияпмиз. Барча саъй-ҳаракатимиз келажакимиз эгаларини комил инсон бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшишга қаратилган.

Авезжан БЕКМУРАТОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР
КҰМИТАСИДАЛОЙИҲАЛАР
БАҲАМЖИХАТ
АМАЛГА
ОШИРИЛАДИ

“Соғлом бола йили” Давлат дастурида аёллар тадбиркорлиги ва оилавий бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор аёллар кўпчиликини ташкил этади. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Тадбиркор аёл” уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ва “Микрокредитбанк” очик акционерлик тижорат банки ҳамкорликда ана шундай етакчилик салоҳиятига эга, молиявий имкониятлари кенг аёлларга ўз тадбиркорлик малакасини оширишга, меҳнат бозоридаги мавқеини юксалтиришга, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишига ва халқаро кўргазмаларда иштирок этишига қўмаклашмоқда.

Аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 2013 йилда ўтказилган “Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси” танловининг куйи босқичларида 1000 нафардан зиёд аёллар ўз лойиҳалари билан иштирок этган ва республика босқичида 15 нафар ғолиблар аниқланган эди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тадбиркор аёллар ўртасида ўтказилган “2013 йилнинг энг яхши лойиҳаси” танлови ғолибларининг ижтимоий аҳамиятга молик 15 та бизнес лойиҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида мутасадди ташкилотлар иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси “Микрокредитбанк” очик акционерлик тижорат банки, Савдо-саноат палатаси, “Тадбиркор аёл” ишбилармон аёллар ассоциацияси билан ҳамкорликда юқорида қайд этилган 15 та лойиҳани амалга ошириш учун кредитлар ажратиш, бино билан таъминлаш, тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш, тадбиркор аёлларнинг халқчил лойиҳаларини ҳаётга кенг татбиқ қилиш, уларнинг имтиёзларини кенгайтириш, хусусий ҳамда кичик бизнес соҳасида ва оилавий корхоналарда раҳбарлик қилаётган аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш орқали аёллар учун иш ўринлари яратиш, қишлоқ аёллари ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришда тўсқинлик қилувчи ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида батафсил сўз юритилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Гулноза БОБОЕВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

Баҳор Мингбулоққа бошқачароқ келади. Бу заминда шамол хийла беаёв эсса-да, кўламга ҳаммадан олдин пешвоз чиқишни истаган дов-дарахтлар, ниҳоллар шижоати ни сўндира олмайди. Меҳнаткаш, матонатли, ҳаммиша олдинга ва эзгуликка интилувчи мингбулоқликлар эса баҳорнинг ҳар бир кунини ганимат билишади.

Шу кунларда тумандаги «Кумушбиби Мўйдинова» фермер хўжалиги далаларида

Одамлар орасида

новалар барчага намуна бўлиб, ўз ишини сидқидилдан адо этишга одатланган. Натижада хўжаликнинг молиявий ҳолати тобора бақувватлашиб, хонадонларга барака кирмоқда. Бугун хўжалик деҳқончилиқда асқотадиган деярли барча замонавий техника ва усқуналарга эга.

ҲАЛОЛЛИК ШИОРИМГА АЙЛАНДИ

— дейди мингбулоқлик фермер
Ҳалимахон Боймирзаева



ҳам кўламги юмушлар авжида. Йилдан-йилга иқтисоди мустаҳкамланиб бораётган хўжалик даромадлари ҳисобидан «Нексия» автомобилига эга бўлди. Ўтган йили 60 миллион сўм маблаг эвазига қуриб битказилган барча шарт-шароитларга эга, замонавий дала шийпониди хўжалик аъзолари, Қайрағочовул маҳалласининг ёши улғу инсонлари, фаоллари иштирокида нишонланаётган Наврўз байрамига бу хушхабар ўзгача шукӯҳ ва кўтаринкилик бағишлаган эди.

— Меҳнат қилган инсон кам бўлмас экан, — дейди фермер хўжалиги раиси Ҳалимахон Боймирзаева. — Бугун қандай муваффақиятга эришган бўлсак, ҳаммаси ҳалол меҳнатимиз ортидан. Аъзоларимиз билан баҳамжихатликда ўтган йили давлатга пахта ва галла сотиш шартномавий режаларимизни ошириб адо этдик. Ипак курти парваришидан ҳам яхшигина фойда кўрдик. Давлатга режадан ошириб пилла топширдик.

Дарҳақиқат, фермер хўжалиги аъзолари заҳматли меҳнат қилиб шундай кўрсаткичларга эришмоқдалар. Хўжалик иш бошқарувчиси Авазбек Абдуллаев, сувчилар Муқимжон Ҳакимов, Мансурбек Мирзахонов, Жавлонбек Аҳмедов, аъзолар Юлдузхон Ҳайдарова, Холниси Боймирзаева, Ҳамида Ҳакимова, Баҳринисо ва Мукаррам Арсло-

— 2006 йилда 57 гектар ер билан фермерликни бошлагандим, — дейди Ҳалима опа сўзида давом этиб. — Ҳозир ерларимиз 135 гектарга етди. 63 гектарга галла эканмиз. 72 гектар ерни чигит экишга тайёрлаб қўйдик. Ерга ҳам меҳр ва эътибор керак. «Ер тўйса, эл тўяди» деган гап бежиз айтилмаган.

Истара сиссиқ, деҳқонча сўзлашни хуш кўрадиган Ҳалима опа 24 ёшида суянди Саодат аянинг дунёларга сиғмай қолганини кўриб, ўн чандон ортиқ куйди. Аммо қаддини букмади. Аксинча, болаларини бировдан кам қилмай вояга етказишга, Саодат аяга тиргак бўлишга ҳаракат қилди. Ҳалоллиқни, садокатни, тўғрилиқни ўзига шиор қилиб олди. Шунинг учун ҳам кўп йиллар туманда раҳбарлик лавозимларида ишлади, ўн йилдан зиёд халқ депутатлари туман кенгаши депутати сифатида элдошлари ишончини қозонди. 41 йил қайнонасининг хизматида бўлди. Эндиликда эришаётган ютуқларида 108 ёшга кириб вафот этган Саодат аянинг дуолари ижобатини кўради. Уч фарзанднинг ҳам олий маълумотли бўлиши учун барча шароитларни яратиб берди. Уларнинг ортидан ёмон гап эшитмади. Бугун 9 набиранинг бувисига айланди.

— Мана, юртимизга яна баҳор келди. Деҳқон учун ҳар лаҳзаси ганимат, бир кунни йилга татийдиган фасл бу. Илоҳим, Наврўз элимизга барокатлар олиб келсин! — дейди Ҳалима опа, киши уйқудан уйғониб, кўпчиб ётган ерларга термилиб.

Шахло ТОШБЕКОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Наманган вилояти.

Ота-боболаримиз азалдан бўлажак оила эгалари — икки ёшнинг эрхотин сифатида ўша замонлар мезонларида амал қилинган никоҳдан ўтишларига жиддий эътибор беришган. Бўлажак фарзандларнинг маънавияти, тарбиясини ҳам никоҳ муносабатларига боғлиқ деб тушунишган. Бундай олиб қараганда, никоҳдан ўтмай қурилган оилада тинчлик, ҳаловат бўлмайди. Ўзаро ишончсизлик эса оқибатда ажримларга олиб келади. Айниқса, ўртада дунёга келган фарзандлар учун муаммолар янада кўпаяди.

Чимбой тумани ФХДё бўлими томонидан қонуний никоҳни қайд этмасдан оила қуриш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида маҳаллалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, тиббиёт ходимлари билан яқин ҳам-

корликда бир қатор тарғибот ишлари йўлга қўйилган. Никоҳни амалдаги қоидаларга мувофиқ расмийлаштириш масдан турмуш қуришнинг оғир оқибатлари ҳақида жойларда давра суҳбатлари, учрашувлар режа асосида олиб борилмоқда. Маҳаллаларда ана шундай тўй-тантаналарга киришилганидан хабар топсак, шу оилга бориб, бўлажак келин-куёв ва уларнинг ота-оналари билан яқиндан суҳбатлашамиз. Уларга қонуний никоҳдан ўтишнинг ҳаётий аҳамияти, нақадар зарурлигини, акс ҳолда кейинчалик ота-она ва фарзандлар тақдири-

да турли муаммо ва оворагарчиликлар пайдо бўлиши мумкинлигини ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтирамиз.

Бир пайтлар бир-бирига ишониб турмуш қурган ёш оила эгалари фарзанд кўрганларидан кейингина қонуний никоҳдан ўтса бўлаверарди, деб қарашган. (Бу ўринда агар фарзанд кўрмай қолишса-чи, деган савол туғилади, албатта). Лекин бунда кимдир жабр кўриб қолиши мумкин, бундай ҳолатлар ҳаётда кузатилаган. Никоҳни расмийлаштиришни қайси тараф пайсалга солар экан, демак,

Бандлик дастури — амалда!

ПАХТАБОДЛИК ЧЕВАР

Наргиза Мамминова пахтаободлик моҳир хунарманд аёллардан бири. У ёшлигида ноқ тикувчилик сир-асрорларини пухта ўрганиб, ўз хонадониди бир неча йиллардан буён ёшларга хунар ўргатиб келмоқда. «Пахтакор» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Терактаги ма-

«Машхура» ўқув марказида 3 та йўналиш бўйича ўқиб, иш ўрганиб қайтди. Кишлоғига келиб, дизайнерлик, эркақлар шими, элита пардаси тикишни ҳам йўлга қўйди. Айни пайтда 15 нафар шогирди билан буюртмалар асосида маҳсулот тайёрлашапти.



ҳалласида бу чевар қизга бугун ҳамманинг ҳаваси келади. Аънавий қуроқчилик намуналариди асосида Наргиза тиккан қуроқ болиш, енгча, тўшакчалар, чойнак ёпқич, чимилдик, болишлар, бешиқ анжомлари, эсдалик совғалар каби ўн хилдан ортиқ маҳсулотларни кўриб, инсон қўли мўъжизалар яратишга қодир эканлигини яна бир бор англайсиз.

Наргиза болалик чоғларида бувиси Умринисо аянинг ёнида юриб, бу қўхна хунарнинг ҳадисини олган. 100 ёшга киргунича қуроқ тўшаклари тайёрлаб, қишлоқда «чевар хола» деб ном олган бувиси 104 йил умр кўрди. Эвараси Наргизага унинг меҳри бўлақча эди, «Сендан умидим катта, насиб этса, менинг хунаримни эгаллайсан», деб пешонасидан ўпиб эркақларди. Ушанда у олти ёшда эди. Мактабда ўқиётган чоғида қўли игна ушлашга келиб қолган қизидидаги иштиёқни билган онаси уни шу маҳалладаги Зулайхо ая Исмоновага шогирдликка топширди.

Йиллар ўтиб Наргиза аёллар либосини тикадиган чевар қизга айланди. Атрофида иш ўрганаман, дейдиган ёшлар кўпайди.

Ўтган йили Тошкентдаги

— Уйимиздаги иккита катта хонани бичиш, тикишга мўлжаллаб, мослаштириб олганмиз, — дейди Наргиза. — Дастлаб бир-иккита тикув машинаси билан иш бошлаган бўлсам, айни пайтда топган даромадларимиз эвазига тикув машиналаримизни 10 тага етказдик. Шунингдек, буюртма асосида ҳарбийлар формаси тикишни ҳам йўлга қўйдик.

Бир неча йиллардан буён Наргиза туман ва вилоят миқёсида ўтказиб келинаётган кўргазма ва танловларда ўз маҳсулотлари билан фаол қатнашиб келмоқда. Айниқса, 2013 йил Наргизанинг ҳаётида унутилмас эш қолдирди. У «Ташаббус» республика кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг яхши хунарманд» номинацияси бўйича голиб бўлди.

Фидойи аёлнинг астойдил интилишлари, ўз хунарининг орқасидан эришган муваффақиятларини кўриб, изланувчан, ташаббускор юртдошларимизга кенг имкониятлар яратилганининг туб моҳиятини яна бир бор тереб англаймиз.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,
«Оила ва жамият»
муҳбири.
Анджон вилояти.

ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ СУЯНЧ

Жараён

уларнинг оила аталмиш муқаддас маъвога муносабати кўнгилдагидек эмас. Бунинг оқибати ҳам яхшилик билан тугамайди.

Инсон тақдирини ҳал этувчи бу ҳаётий масалаларнинг зарур қонуний ечимлари, муҳим қоидалар амалдаги ҳуқуқий-норматив ҳужжатларда аниқ белгиланган. Шундай экан, ҳар бир инсон ва жамият манфаатини акс эттирган ушбу мустаҳкам қонуний асослар таяниб иш кўриш, ўз тақдирига лоқайд бўлмаслик билан кейинчалик пайдо бўладиган чигал ташвишлар, турли нохуш ҳолатларнинг олди олинад.

Т. МАМБЕТМУРАТОВА,
Чимбой тумани ФХДё
бўлими мудир.

Эркин КОМИЛОВ,
Ўзбекистон халқ артисти:

БАХТ ҒОЙИБДАН КЕЛМАЙДИ!

Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби Эркин Комиловни яқиндан билганлар унинг тапчилиги, сўзлари ўз ўрнида ишлата билиши, машаққатлари муносиб тарзда енга олишига ҳавас қилишади. Севили санъаткоримиз билан суҳбатлашиш учун хонадонига борганимизда, Эркин акани янада жўшқин, илҳомбахш қиёфада учратдик.



— Эркин ака, кўз тегмасин, кўринишингиз, кайфиятигиз байрамона руҳдалиги сезилиб турибди. Бу Баҳорнинг муборак нафасиданми ёки бирор бир янги образни муваффақиятли талкин этдингизми?

— Ҳаммамиз яхши ният, ёруғ умид билан яшаймиз. Худоба минг қатла шукур, юртимиз тинч, оиламиз фаровон, бу ёқда эса Наврўз шодиёналарининг кўтаринки руҳи кўнгилни осмон қадар юксалтирипти. Қолаверса, яқинда отахон театримиз ташкил этилганининг бир асрлик тўйини нишонлаймиз. Муҳтарам Президентимизнинг 2014 йил 22 январдаги “Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори нафақат мени, балки барча санъат аҳлини, мухлисларни беҳад қувонтирди. Шу кунларда ана шу кутлуг байрам муносабати билан вилоятларда, ўқув юртларида театр кунлари, бадиий анжуманлар, ижодий учрашувлар ўтказилмоқда.

Мен қирқ олти йилдан буён театр саҳнасида ижод қиламан. Биласиз, истиқлолга эришишимиз арафасида театрлар жуда ночор аҳволда эди. Спектакллари саҳнага олиб чиқиш учун моддий етишмовчиликлар, муаммоларга дуч келардик. Агар аҳвол шу тарзда давом этса, ўзбек театри инқирозга учраши ҳам ҳеч гап эмасди. Минг шукурки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан театр санъати соҳасини ривожлантириш, актёрлар меҳнатини рағбатлантириш билан боғлиқ қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бунинг натижасида юртимизда янги театрлар ташкил топди. Ўзбек Миллий академик драма, Ўзбекистон академик рус драма, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрлари, Андижон, Самарқанд, Хоразм,

Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси драма театрлари бинолари тубдан таъмирланди. Бухоро вилояти мусиқали драма театри учун янги бино барпо этилди. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрига борсангиз, яратилган шарт-шароитни кўриб, кўзингиз қувнайд. Мамлакатимиз бўйлаб жуда кўп ижодий сафарларда бўлганман. Мустақиллик йилларидан аввал қишлоқларимизнинг қиёфаси жуда ачинарли аҳволда эди. Эндиликда эса намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уйлар, замонавий мактаблар, коллежлар, шифохоналар, дўконлар, янги корхоналар... Қай бирини санашни билмайсан киши. Аввалги пана-пасткам уйчалар ўрнини замонавий уй-жойлар эгалламоқда. Булар халқимизнинг фаровон яшаётганидан далолат эмасми?! Ҳамюртларимизнинг турмуш шароити яхшиланиб боргани сайин театр заллари яна тўлмоқда. Буларнинг барчаси биз ижодкорларга янада куч-ғайрат бахш этади.

— Эркин ака, инсон умрининг мазмунли кечишида қандай омиллар кўпроқ ўрин тутади?

— Азалий одатимиз, таомил шундай: ким билан кўришмайлик, салом-алиқда ноқ тани сихатлигини сўраймиз, хайрлашаётганимизда ҳам соғлиқ-саломатлик тилаймиз. Аммо баъзан жисмоний хасталиклар билан бирга одамларнинг турмуш тарзида ҳам иллатлар бўлишини эътибордан четда қолдираемиз. Босилган қадам одатга, одат характерга, характер эса қисматга айланади. Ўнг томонни ижобий, чап томонни салбий қадамлар деб олайлик. Чапга юрсангиз салбий иллатларга ўрганиб қоласиз. Буюм қисматга айланади. “Менинг қисматимда шулар ёзилган эканда”, деймиз. Менимча, фақат битта нарса: ўлим қисмати-мизда бор. Қолганини одамнинг ўзи яратади.

Болаларимиз — келажагимиз, деймиз. Улар одобли, ахлоқи бўлсалар, кексалигимиз ардоқда ўтади. Ноқобил фарзандлар эса андуҳлару изтиробларимиз, маҳалла, элу юрт, қолаверса, Ватан олдидаги бурчиларимизни англамай қилган хатоларимиздир... Айтишларича, бу дунёда хатто ҳасад, ич-этини ейишдан дах-

шатлироқ, бедаво дард йўқ экан. “Фалончи нега бунча омадли, нега у мартабага эришди, унвон олди ёки иморат курди, мен нега эришолмадим”, дейиш ҳам ўзини адо қилишга қиради. Бизга берилган мана шу омонат (қўксига қўлларини кўяди) жонни асрашимиз керак.

Камина икки кам 70 ёшга кирдим. Икки ярим йилдан бери ҳар куни эрталаб 5.30 да ўрнидан тураман. Икки соат бадантарбия қиламан. Шифокорга бормайман.



Аёлим — менинг клиника. Ўзи соғломлаштириш марказида ишлайди. Менга қандай таомлар мумкин, мумкин эмаслигини яхши билади.

Эл-юртга фойдаси тегиши учун ҳам одам ўзини тарбиялаб бориши, саломатлигини асраши керак. Яқинларимиз, кўни-қўшнилариимиз, ҳам-касбларимиз, дўсту биродарларимиз, кўйинги, сизу бизга замондош бўлган одамларнинг барчасига яхшилик тилаб яшаш ҳам умримизга маъно-мазмун беради.

— Биламизки, бир пайтлар тақдирининг оғир синовларини ҳам бошдан кечирдингиз. Шундай дамларда уларни енгил учун қандай куч топгансиз?

— Мен иродали инсонман, десам мақтанашга кирмас-а. Умр йўлдошим — Фотима-Зухраларимнинг суюли онаси юрак хасталиги туфайли дунёдан ўтганида 24 ёшда

эди. Қисматни қарангки, иккинчи аёлим Мўтабархон (жойлари жаннатда бўлсин) 44 ёшида оламдан ўтди. Болаларим жуда кичкина, бирини боғчага, иккинчисини мактабга олиб борардим. Кирини ювардим, дазмол босардим. Қийинчиликлардан йиқилиб қолганим йўқ. Раҳматли онам қарашардилар. Кейин Маҳбуба билан турмуш курдик. Яна бир ўғил кўрдик. Беш қизимизни узатдик. Мақтаниб кўяйин, ҳозир 21 набиранинг бобосиман. Ўғлим Авазбек Маданият коллежидан тахсил олаяпти. Ўйлайманки, қийинчиликларнинг шамолдай ўтиб кетгани рост бўлсин...

Ҳалоллик ва сабр билан яшаш менга ота-онамдан ўтган. Биз урушдан кейин туғилган болаларимиз. Синглим Фарихахон иккаламиз битта сиёҳдон ва бир дона пероли ручка ишлатардик. Тушгача синглим сиёҳдон билан пероли ручкани ишлатиб келар, тушдан кейин шу нарсаларни олиб мен мактабга жўнардим. Бугун шуларни бировга айтсангиз, эртақдек туюлади. Дадам ферма мудирини бўлган пайтларида онам: “Битта да-

— Йўқ, ишонасизми, бўлмаган. Ҳозир Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ҳам дарс бераётган. Талабаларимдан бири ўқишга бир ой кеч келди. Ундан, “Ўзбек Миллий академик драма театри қаерда?” деб сўрадим. “Билмайман” дейди. “Бу ерда қиладиган ишинг йўқ экан-ку, қандай адашиб кириб қолдинг?” деб роса койидим. Айтинг, санъаткор бўлиш осон эканми? Халқнинг эътиборини, муҳаббатини қозониш учун бизнинг битта умримиз етариканми? Эл назарига тушолмай юрганлар қанча! “Халқнинг муҳаббатини қозондим”, деб ҳовлиқиб юрган айрим ёшлар эса, афсуски, бундай мартабага эришиш учун ҳали қанча қовун пишши борлигини билишмайди.

— Эшитдингизми, оналар ҳақидаги моноlogin-гиз ёзилган альбом муҳлислар орасида жуда машхур бўлаётган экан...

— Абдулла Орипов, Сирожиддин Саййид, Душан Файзий, Шухрат каби шоирларнинг оналарга бағишланган шеърлари асосида адабий композиция тайёрлаб, дискка ёздирдик. Сўзларини англаб бўлмайдиган, шовқин-суронли айрим ашулалардан кўра, шундай композицияларнинг тарбиявий аҳамияти кўпроқ деб ўйлайман. Ҳар бир шеърни дийдам юмшаб, кўзларимга ёш тўлиб ўқиганман. У ҳамюртларимизга маъқул бўлганидан хурсандман.

— Атоқли шоиримиз Гафур Ғулум: “Ғойибдан келажақ бахт бир афсона” деган эдилар. Аслида бахт бизни қидириб келадими ёки биз уни излаймизми?

— Бахт бу рамзий маънода ишлатиладиган сўз. Бахт эшиги ҳар кимга ҳам очилавермайди. У маърифатли, юксак савияли, матонатли, сабрли одамларгагина эшик очади. Эҳ-хотиннинг уриши, доқа рўмолнинг қуриши экан, деб ҳадеб жанжаллашавериш ҳам яхшиликка олиб келмайди. Жанжалли уйдан иймон кўтарилади, иймон бўлмаган жойга барака ҳам, бахт ҳам остана ҳатлаб кетмайди.

Бир пайтлар театр санъатининг даргалари, кўлаб устозларимиз: “Қанийди, Амир Темур образини яратсам, энг улуғ армоним шу”, деган орзулар билан ўтиб кетишган. Бу бахтга, иймон шуккурки, буюк мустақиллик туфайли бизлар эришдик. Амир Темур ҳақида саҳна ва экран асарлари яратилди. Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” пьесасидаги Боаяз, Фитратнинг “Абулфайзхон”идаги Абулфайзхон, Ойбекнинг “Алишер Навоий” асаридagi Султон мурад каби тарихий образларни саҳнада жонлантира олганимдан ўзимни бахтиёр ҳис этаман.

Ниятим, аввало, Ватанимиз осмони ҳамиша мусофифо, санъатсевар халқимиз омон бўлсин, жаннатмонанд кўртимизга ҳеч қачон кўз тегмасин!

Меҳринисо ҚУРБОНОВА
суҳбатлашди.

ЎЗ УЙИДА ЎЗИ ИЧКУЁВ

ЁХУД ЯНА ДАБДАБАЛИ ТЎЙЛАР ХУСУСИДА

Олти ойча аввал бир дугонимиз турмушга чиққан эди. Уша тўйда олинган видеотасмани кўриш баҳонасида бир неча тенгдошлар йиғилдик. Гап айлиниб мебеллар мавзусига улашиб кетди: сифати яхши, арзонроқ мебеллар қайси дўконларда сотилаётганлиги, ҳозирда мебеллар нарх-навоси қанчадан қанчалигига.

Тўй борасида икки тараф зиммасига қатта ҳаҷраҳат тушиши табиий ҳолат. Аммо шундоқ ҳам бунақа қатта-кичик олдибердидан негадир ҳеч қониқмаймиз ва янада кўпроқ сарф-харажат қилишга чиранамиз. Майли, пул кетса кетсин, лекин обрў кетмасин, деймиз-да.

Табиийки, бошқаларни кўя турайлик, лекин бизнинг халқда ёш келин-куёв ўз ҳаётининг молиявий пойдеворини мустаҳкамлаш учун ота-она кўмағига муҳтож бўлади. Бу ҳам тушунарли. Аммо ота-онамиз кўзимизга Оловуддиннинг сеҳри чироғи бўлиб кўринадими, билмайман, тилимиздан чиққан нарсаларни муҳайё қилар экан деб, гўё шу давр оралиғида ишламай ётиб ейдиган одамлардек биратўла ўн йилга етарли нарсасу-буюмларни гамлаб олиш кейинги йилларда деярли барча вилоятларида урфга айлиниб бораёпти. Бундай пайтда йигит ҳам, қиз ҳам ота-онасининг имконияти, қурби-қуввати билан умуман ҳисоблашмайди. Фалончи дўстим ёки дугонамдан менинг кам жойим йўқ, вассалом, деб туриб олишади.

Тўйгача ва никоҳдан кейинги мижраҳаларни эшитиб, ёқамизни ушлаймиз. Келиннинг мебелли ёқмаганлиги сабабли қанча ёшларнинг фотиҳаси тўйига оз фурсат қолганда бузилаётганини, оилалар ўртасига совуқчилик тушаётганини, сарпо-суруқдан тортиб, ҳатто пардасининг ранги бошқалиги учун ҳам қизлар тушган хонадонидида беҳурмат қилинаётганлиги ҳақида кўнгилсиз гап-сўзларни эшитаямиз. Ўйлаб қоласан, наҳотки, айримлар учун ана шу арзимас матоҳлар инсоний фазилатлардан ҳам ус-

тун бўлса?! Минг марта айтилган гапни бир минг биринчи бўлиб такрорласам-да, ахир, дунёни забт этган Искандар ҳам бу дунёдан очик қўл билан кетаётганидан надоматлар чеккан-ку!

Энг ачинарлиси, биз оила устунлари деб эъзозлайдиган эркак ва аёлларнинг бу борада лоқайдлик қилаётганлиги кишини ўйга толдиради. Шу ўринда яна бир ҳақиқатни очик



айтиш керак, эркакларга қараганда аёлларнинг табиати буюмларга ўчроқ бўлади. Демак, юқоридаги каби миллий удумларимизнинг салбий қиринишига эга бўлишида асосан хотин-қизлар "фаоллик" кўрсатмаяптими-кан, деган ўй ҳам кўнгилдан кечади.

Тўғри, оталаримиз янги тушган хонадонда қизимнинг тили қисик бўлмасин, қийналмасин, деб кўпинча бундай ҳолатларга кўз юмадилар. Уларни тушунса бўлади. Лекин уйланиш ниҳоят қилган йигитлар шаънига ҳам айтишимиз лозим бўлган сўзларимиз бор. Хўш, сиз ҳам энди ўзингизга бир савол бериб кўринг: ҳали никоҳингизга олмасданок, билиб-билмай бўлажак аёлингизнинг нозик елкаларига ўз бурчингизни юкламайасизми? Аксинча, унга панох, суянч бўлишингиз керак-ку? Балки бўлажак турмуш ўртоғингиз ўзига тўқ хонадондан дандир, сиз талаб қилаётган буюм-матоҳларнинг ҳаммасини олишга қурби етар, у бундан нолимас ҳам. Аммо ўртаҳолроқ, фақат ойликка ишлаб рўзғор боқадиган ёки бўлмас қизининг имли, касб-хунари бўлишини чин дилдан истаб ўқитган оиланинг бундай дабдабали тўй харажатларини кўтаришга имкони етмас-чи? Сиз бугунки эмас, эртани ўйлашингиз лозим,



Ойна

қолаверса, чинакам бахт бойликлар устига қурилмаслигини асло унутманг!

Қимматбахо буюмлар сотиб олишингиз шарт эмас, аксинча, энг кераклиларини харид қилинг. Олмасангиз ҳам майли. Аёлингизга сизнинг соғлигингиз, меҳрингиз керак. Эр кишининг боши омон бўлса, қолгани топилаверади.

Аввало, аёлларнинг оиладаги вазифаси нима? Оила тўқислигини таъминлаш, кам-қўстини ямаш, ўйни жиҳозлашми ёки фарзанд дунёга келтириб, уни тарбиялаш, оиланинг иссиқ-совуғидан бохабар бўлиб, рўзғор ишлари билан шугулланишми? Ўрни келганда оила бошлиғи ким эканлигини минг марта бўлсин такрорлаб чарчамайдиган хурматли эркакларимиз, бу оҳори тўқилган мавзуда яна бир бора ўйлаб кўришларини илтимос қилардим.

Удум, урф-одатимиз шунақа дейсизми? Ҳадеб мантиқсиз, маза-матрасиз айрим удумларни рўқач қилмайлик. Биз инсонларга ақл, тафаккур яхшини ёмондан, тўғрини эгрідан ажратиб олиш учун берилган-ку! Эркаклик ғурурингиз, орингиз телба-тескари бир удум ортидан топталмаяптими?..

Таъкидланганидек, энг аввало, сиз оила кўргонисиз, биз аёлларнинг тизгини эса ҳар доим сизнинг қўлингизда ва бунга фақатгина Сиз нуқта қўя оласиз. Айнан Сизга мурожаат қилишимнинг боиси ҳам шунда.

ИЗОҲА ҚОҲАТ ЙЎҚ МУЛОҚОТ:

- Бу пардаларни ўзларингиз харида қилдингизларми?
- Йўқ, келин тараф.
- Мебелларни-чи?
- Уларниям.
- Ҳеч бўлмас телевидзор, стол-стул, ошхона мебелларини ўзингиз олгандирсиз?
- И-е, нималар деясиз, буларни ҳам қудалар опкелешди.
- Ишқилиб, уй ўзингизникими?
- Бўлмасам-чи, дадам совға қилдилар.
- Унда хувиллаб ётган уйингизни келин томон тўлдирибди-да.
- Ҳа.
- Устингиздаги курткангиз чиройли экан-а?
- Ҳа, костюм-шимдан пайпоқча-ча қайнонам совға қилди.
- Қўлингиздаги тилла соат ва телефонни-чи?
- Қайнотам билан қайноғам кеча кўргани келишувди.
- Оббо, сиз энди ўз уйингизда ўзингиз ичкўёв бўлиб қолибсиз-ку, кўёв бола!

Гулрухсор ХУДОЙБЕРДИЕВА



ҲАЗРАТ – бу сўз тилимиз тарихида кўп қўлланган. Ҳозир ҳам буюк боболаримиз номига "ҳазрат" сўзини қўшиб ишлатамиз. Ҳазрат Навоий, ҳазрат Яссавий каби. Қизиғи шундаки, "ҳазрат" сўзининг маъноси асли биз ўйлагандан бошқачароқ маънони англатади. Яъни, "ҳазрат" сўзининг туб илдизи "хузурида бўлди" деган мазмунни билдирган.

Ҳазрат Навоий 1483 йилдан 1485 йилгача, бор-йўғи икки йил ичида 52000 мисрадан иборат "Ҳамса"ни яратди.

МУТАФАККИР – тилимизда "фикр", "тафаккур", "мутафаккир" сўзларининг илдизи бир хил. Донишманд, улғвдор, юксак фикрли кишиларга нисбатан қўлланадиган "мутафаккир" сўзи асли "фикрлади" деган маънодан келиб чиққан.

Буюк тамаддун бешиги саналган юртимиз дунёга улғ мутафаккирларни етиштириб берган.

Газетадан

САҲАР – тилимизда "сахар" сўзининг "эрта тонг", "субҳидам" маъносини англатишини яхши биламиз. Хўш, бу сўзнинг туб илдизи қандай маънога эга? "Сахар" сўзининг туб илдизи "ўзига ром қилди" деган мазмунни билдиради.

Қовун есанг сахар е, Сахар емасанг захар е.

Мақол

Ёз фасллари у дехқончилик қилади, сахар кетиб, кеч келади.

Мирзақалон Исмоилий

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимли, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).
Тиббий массаж — 3 ой (2 ойи ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипелация — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МУЎЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (қундузи)

ЭЪЛОН!

«Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати» давлат унитар корхонаси томонидан 13.09.2011 йилда ёпиқ акциядорлик жамияти «Seal Mag» кўшма корхонасига тегишли Афросиёб кўчаси, 6-уйда жойлашган реестр рақами 11-411/2009 бўлган кўчмас мулк объекти бўйича берилган кадастр йиғма жилди йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Маҳмудохунов Муроджон Хасанович номига берилган Чилонзор тумани Олмазор кўчаси, тул. Алия, 94-уйнинг уй ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Махаллада янгилик тез тарқалади. Шундоққина ёнимиздаги ҳовлига ёшларнинг сеvimли кўшиқчиси, машҳур хонанда кўчи келаетгани ҳақидаги хабар маҳалладолларнинг кўпчилигини суюнтирди. "Бундайлар жуда калондимог бўлишади, ҳали сафимизга кўшилиб кета оладими, йўқми", дегувчилар ҳам йўқ эмасди. Аммо хонанданинг рафиқаси Дилдорохон ўзининг хушмуомалалиги, самимий ва меҳнаткашлиги билан тезда катта-ю кичикнинг меҳрини қозонди. У хар кун эрталабдан кўчага сув себиб супурар, ҳовлисига эккан атиргуллари, кўчадан оқиб ўтувчи ариқ бўйига эккан райхонларнинг ёқимли ифори барчанинг баҳри дилини очарди. Кексалар бу жувон билан маҳалламизга ўзгача файз киргандек бўлди, барака топсин, деб дуо қилишарди.


Девор-дармиён кўшни бўлганимиз учун Дилдора билан тез-тез учрашиб қолардим. Унинг кўзлари қулиб турса-да, назаримда ўзи маъюддек туюлаверар, бунинг боисини сўрагани истиҳола қилардим. Кўп ўтмай у билан яқин дугона бўлиб кетдик. Бир-биримизнинг қувонч-ташвишларимизга шерик бўлар, муаммоларимизни бамаслаҳат ҳал қилардик. Ҳатто зарур ишимиз чиқиб қолса, фарзандларимизни бир-биримизга қолдириб, ишимизни хотиржам битириб келардик. У билан муносабатимиз яхшиланиб боргани сайин, бу мунисгина аёл юрагини эзаётган дардларни тушундим...

Орадан кўп вақт ўтмай, сеvикли хонанда ярим кечаси маст ахволда келиб, машинасида баланд овозда кўшиқлар кўйиб олиб, бақир-чақир қилиб кўшиларнинг дилини хира қила бошлади. Дилдора уни уйга олиб кирмоқчи бўлса, жазавача тушиб, нима деяётганини англаб-англамай алжирарди. Уни тартибга чақиртириб олиб, дақи берган кўшиларни эса озгича келган беҳаё сўзлар билан ҳақоратларди. Кечаси ҳам алламаҳалгача тинчимас, эрталаб эса Дилдоранинг қовоқлари шишган, юзи кўкарган ҳолда учартардим. Яқинда эса у менга ўзининг ҳаёти, эрининг номаъқул қилиқлари ҳақида йиглаб гапириб берди:

— Биз оилада икки фарзандимиз. Ота-онам жуда бадавлат бўлмасада, ҳалол меҳнат қилиб, бизни бировдан кам этмай, вояга етказишди. Саккиз йил аввал уйимизга совчилар кела бошлашди. Айнқиса, турмуш ўртоғимнинг ота-онаси эшигимиздан қадам узмай қолдиши. Камтаргина бир оиланинг фарзанди "JIP" машинасини миниб юрадиган йигитга турмушга чиқишини фақатгина киноларда кўрганмиз. Аммо ҳаётда ҳам шундай бўлди. Умр йўлдошим мени ёқтириб қолганди. Ота-онам бўлса "Тенг-тенги билан, деган гап бор, бу йигитнинг бойлиги бизни чўчятаяпти", дейишса ҳам қулоқ солмабман. Ушанда онамга "Мана кўрасиз, бир қатра кўз ёшимни оқизиб келмайман", деб ваъда берган эдим. Турмуш курганимиздан сўнг аввалига рисоладагидек,

иноқ яшадик. Ҳамманинг бизга ҳаваси келарди. Турмуш ўртоғим эса уйда жуда эрка, ота-онасини назар-писанд қилмайдиган йигит бўлиб чиқди. Онаси унинг топармон-тутармонлигини рўқча қилиб, айбларини хаспўшлашга уринарди. Эримнинг хурмача қилиқлари эса кундан-кунга ортиб борарди. Қайнона-қайнотам бизга пойтахтдаги кўп қаватли уйлариинг биридан квартира олиб беришди. Рўзгор нима эканлигини ана шунда тушундим. Эрим жуда кўп пул топарди. Аммо уйга қисита нон кўтариб келмас, топганиниям кўчада сарфлашга одатланганди. Уйимга бирор меҳмон ёки кўни-кўшним келиб қолса, дастурхонга нима кўйишни билмай қолардим.

Эрим кўпинча кечалари уйга келмас, ўзининг айти-



САБР ЧЕГАРАСИ

шича, студияда қолиб кетарди. Майли, бу касбининг тақозоси-да, дея уни тушунишга ҳаракат қилардим. Бирок, туни билан кўшиқ ёздик, деб тонга яқин маст ҳолда уйга кириб келиб, мени аёвсиз дўппослашини қандай тушунириб беришни ҳам билмайман. Бу орада бир ўғил, бир кизлик бўлди. Икки фарзандим икки ёнимда чириллаб йиғласа ҳам ўзи чарчамагунича мени ураверарди. Кўчага қочиб чиқай десам, уйда ёлғиз қоладиган болаларимдан хавотирланардим. Қочиб қаёққа ҳам борардим? Қайнона-қайнотам қариб қолишган, ота-онам менинг ташвишларимдан сиқилишини, турмуш ўртоғимнинг эса эл ичиде обрўси тўкилишини истамасдим. "Ахир, бир кун унга ҳам инсоф кириб қолар", деб ўзимни овулардим.

Бир кун эрим ёнимда бегона қизларга телефон қилиб, ўзича сеvги изҳор қила бошлади. Аввалига индамадим. Чунки қаршилигимнинг эвазига калтак ейишим аниқ эди. Бир маҳал мени ухлаб қолди, деб ўйлади шекилли, уларнинг суҳбати беҳаё тус ола бошлади. Шу пайт ичимдан уввос солиб, бор овозим билан додлаб йиғлагим келди. Охири бу ҳўрликка чидай олмадим ва унга "Инсофингиз борми ўзи, қандай худо урган одамсиз?" дея бақириб юбордим. У қўлидаги телефонини улоқтирди-ю, ғазаб билан мен томонга кела бошлади. Калтак-

Туқилмаган воқеа

ланаверишдан безор бўлиб кетганимдан, ўзимни кўчага урдим. Атроф қоронғи, бирор жойга боришнинг иложи йўқ. Эрим эшикни ичидан қўлқалаб олди. Уша кун йўлда тонг оттирдим. Куз охираб қолган, тунги ҳаво анча совуқ эди. Бир пайт ўғлимнинг йиғлаган овози эшитилди. Аста уни чақириб, эшикни очишини айтдим. Донг қотиб ухлаб ётган эрим мен уйга кириб болаларни боғчага олиб кетганимни ҳам билмади. Аммо қайтиб келиб, уйга яна кира олмаслигини тушундим. Биз кетгач, эрим уйғонган ва болаларим ҳамда менинг кийимларимизни тўртинчи қаватдан кўчага улоқтириб ташлабди. Нафиса исмли кўшним мени уйга имлаб чақирди. Кун бўйи кўшнимникида ўтирдим.

Унга бутун ҳасратларимни тўкиб солдим. Кечкурун яна болаларимни боғчадан олиб, уйимиз эшигини тақиллатдим. Эрим очди. Саломимга алик ҳам олмади. Ҳаётимиз яна шу алфозда давом этаверди.

Бир кунди кечки пайт уйга келиб, уйимизни сотганини ва мана шу ҳовлини олганини айтди. Бундай пайтда нега, деган савол ортиқчилигини билардим. Шунинг учун индамай нарсаларимни йиғча бошладим. "Махаллада яшасак, турмушимиз балки яхшиланиб кетар", деб умид қилгандим. Лекин мана икки йилдирки, эримнинг одатлари заррача ҳам ўзгармади. Машҳурликнинг юки оғир бўлишини, маҳаллада бақир-чақир қилиб юриши, кўни-кўшнилари ҳақоратлаши обрўсини тутдек тўкишини тушунгиси келмайдди.

Мен эса унинг яхши томонга ўзгаришини сабр билан кутиб яшайман. Маҳалламиз кайвонилари, маслаҳатчи опамиз уйимизга келиб, бир неча марта биз билан суҳбатлашди. Қайда, аҳвол барибир яна ўша-ўша. Баъзан ўйлаб қоламан, балки менда ҳам айб бордир, қайдам...

Ахир у икки боламнинг отаси, озми-кўпми элда обрўси бор. Гоҳида унғам ачинаман. Шу ҳолида ташлаб кетсам, икки норасида боланинг увлои тутти, аҳволи абгор бўлса-чи, деб қўрқаман. Уни тўғри йўлга солишга уринялман. Кўпқаватли уйдаги кўшнимиз Нафиса "Ота-онаси 25 ёшигача тарбиялай олмаган одамни, сен қандай қилиб тўғри йўлга соласан? Яхшиси, у билан ажрашиб, ҳаётингни бошқатдан бошлагин", деб маслаҳат берди. Мен учун эса ҳаётимнинг мазмуни — мана шу икки беғуноқ норасида. Уларга эса ёмон бўлса ҳам ота керак-ку!

Дилдоранинг маҳзун ҳикоясини эшитиб, унга қандай далда ёки маслаҳат беришни билмадим. Чунки ҳали эндигина ўттиздан ошган бу жувоннинг аламли дардлари ҳар қандай юракни ўртаб юоради. Энг ёмони, бу ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда содир бўлаётган воқеани бутун тафсилоти билан ёзишга истиҳола қилдим. Эндигина ўн гулидан биттасигина очилган муштилпар аёл қандай йўл тутсин? Қариндош-уруғлар, маҳалла-қўй, жамоатчилик икки йўл ўртасида қолган бу оилани қай тарзда ўнглаши мумкин? Муносабатингизни кутаимиз.

Барно МИРЗААХМЕДОВА.

Акс-садо

"УСТАМОН" УСТА

Кўшни аёл қўлидаги "Оила ва жамият" газетасини менга узатаркан. "Тавба, шунасиям бўларкан-да, кимга ишониш-ниям билмай қолдик ўзи. "Мавлуданинг макри"ни ўқиб, яқин танишим Соҳибанинг бошидан ўтган кўргуликлар эсимга тушди", деб қолди.

...Туман марказининг сал четроғида яшаймиз, Соҳибанинг ҳовлиси нариги кўчада, бир ўғил, бир қизи бор, болалари ҳали ёш. Унинг умр йўлдоши бир хасталик туфайли эрта оламдан ўтди. Унинг дардини кўтаролмадим, қайнонаси ҳам узоқ яшамади. Қайнотаси қишлоқдаги кичик ўғли билан турар, улар ҳар замон-ҳар замонда хабар олгани келишарди. Соҳиба туман марказидаги дўконлардан бирида сотувчилик қилади. Қайнотаси ҳар келганида: "Қизим, ҳали ёшсиз, бизни юз-хотир қиламан деб кўп кийналманг, бахтингизни топсангиз, биз розимиз", дерди.

Бир кун у менга ошхонасини таъмирлатмоқчи эканини, дўконга келиб-кешиб юрадиган усталардан топганини айтиб қолди. Кўп ўтмай уч нафар уста ҳовлида тарақа-турукни бошлади. Уларнинг орасида Мансур деган йигит ҳам бор эди. Ҳовлидаги ишлар бир ойдан сал чўзилди. Шу орада уйда анчадан бери минилмай ётган машинани Мансур кичкина йўлга бир-икки ҳайдаб чиққанига кўзим тушди.

Хуллас, ҳар хил гап-сўзлар қулоққа чалина бошлади. Маҳалланинг кўпни кўрган кайвонилари боши очик аёл ҳақидаги миш-мишларни эшитиб, Соҳибага маслаҳат солишибди. Аёл ҳам устани яхши танишини, ошхона битиши билан Мансурга турмушга чиқмоқчилигини, албатта қонуний никоҳдан ўтишларини, эркак болалари билан ҳам тил топишиб улгурганини айтибди.

Ҳовлидаги қурилиш ишлари туғача, Соҳиба икки устага келишилган ҳақларини берибди. Бошқа тумандан усталарга келиб қўшилган Мансур эса бундан бўёғига ўзи алоҳида ишлашини айтиб, улар билан ҳайрлашибди.

Орадан ўн кунча вақт ўтгач, Соҳиба қайнотасига яна бир бор ўзри ҳавола қилиб, уларни бу янгиликдан хабардор этиш учун қишлоққа болалари билан жўнабди. Мансур эса бир ўзи ҳовлида қолибди...

Соҳибанинг қайнукаси "Ҳар ҳолда, акамдан қолган жигарларимга оталик қилмоқчи бўлган кишини олдиндан биров кўриб гаплашай", деган ниятда келинбойси билан бирга қайтиб келишса, эшик қулф ёмиш. Ичкарига девордан ошиб киришса, тилла тақинчоқлар, шкафдаги ўн миллион сўм пул, марҳум эрининг тилла соати ва яна бир неча буюмлар шип-шийдон қилиб олиб кетилган экан. Жон ҳолатда гаражга чопиб кирган Соҳиба машина ҳам йўқлигини кўра солиб дод солибди. Бақир-чақирни эшитиб, кўни-кўшнилари ҳам чиқишибди. Содир бўлган воқеани эшитишиб, дарров участка нозирига хабар беришибди. Зудлик билан етиб келган нозир катта кўчага чиқиб жойда Соҳибага тегишли машинани кўрганини айтибди. Кейин маълум бўлишича, Мансур ўғирланган нарсаларни ҳар кун узи миниб юрадиган машинага ортиб, трассача боргану у ёғига таксиде жўнаб кетган.

Энг ёмони, "У кишини яхши танийман, паспортини ҳам кўрганман, оиласи билан ажрашган экан", деб кўпчиликни ишонтириш учун ёлгон гапириб қўя қолган Соҳиба аслида Мансурнинг кимлигини мутлақо билмас эди.

Қутилмаганда қўйни-қўнжи тўлиб-тошиб уйга қайтиб келган "устамон" товламачини ўша кун кечкурун ички ишлар идораси ходимлари олиб кетибди...


Махфуза САИДОВА,
Сирдарё вилояти.



СИРЛИ ҚАЛЪА

Тува ўлкасидаги денгиз сатҳидан 1300 метр баландликда жойлашган Тере-Холь кўлининг ўртасида бир орол бор. Оролда қадимий қалъа қад кўтарган. Унинг қачон ва кимлар томонидан нима учун қурилгани ҳалигача номаълум. Тўрт гектар жойни эгаллаган ва Пор-Бажин деб номланган ушбу қалъа қурилишида лой, пишк гишт ҳамда тахтадан фойдаланилган.

Оролга етиб бориш жуда мураккаб. Қизик, одам оёғи етиб бориши мушкул бўлган жойда кимлар кимлардан ҳимояланиш, яшириниш учун бу қалъани барпо этган экан? Қолаверса, бу орол уч томондан ўтиб



бўлмас тоғлар ва бир томондан баҳайбат ўрмон билан ўралган. Шунга қарамай, қалъа лой-деворининг қалинлиги тўққиз, баландлиги 8,4 метрни ташкил қилади. Ҳозирги замонавий бинолар аниқ технологиялар асосида қанчалик зилзилабардор қилиб қурилса, бу қалъа ҳам ана шу тартибда бино бўлган.

Қалъа билан боғлиқ сирли хабар биринчи марта 1700 йилда пайдо бўлган ва у ҳақдаги биринчи ёзув маҳаллий ўлкашунос Семен Ремезов томонидан қолдирилган. Энди бу сирни юзлаб олимлар ечишга ҳаракат қилишмоқда.

Нима учун одамлар бу қалъани ташлаб кетишган? Бу савол кўпчиликни қизиқтиради. Биринчи тахмин – бу жой кучли ёнғиндан вайрон бўлган. Унда нега қалъани қайта қуришмаган? Иккинчи тахмин – кучли зилзила туфайли қалъа вайронага айланган ва зилзила тез-тез такрорланиб турган. Шунинг учун ҳам одамлар зилзила тўхташига ишонмаган ва қалъани қайта қуришни исташмаган.

Археологлар орол атрофини ҳам ўрганиб, жуда галати нарсани, яъни учта мармар бўлаги ва қадимий туркча ёзилган тошдан иборат дарвозани аниқлашган. Уни маҳаллий одамлар «Чингизхон дарвозаси» деб аташар экан.

Айтишларича, бу қалъа аввал оролда эмас, ерда бўлган. Йиллар ўтиши билан сув катта ерни босиб, оролга айланган. Қизиги шундаки, худди шундай жараён ҳалиям давом этмоқда. Олимларнинг айтишича, яна 30-40 йиллардан кейин қалъанинг қолган деворлари ҳам сув остида қолиши, 100-150 йиллардан кейин эса орол тўлиқ сув билан қопланиши мумкин экан. Агар шундай бўлса, бу ажойиб қалъа сирларини тезроқ ва кўпроқ ўрганиш керак.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.



БИР ҲОВЛИДА УЧ ЭРКАК

Умринисо билан ўн саккиз йил бирга яшади. Икки нафар ўғлимиз бор. У жуда ҳам оққўнғил, меҳрибон ва чевар аёл эди. Кишлоғимизнинг кўплаб қизларига тикувчилик сирларини ўргатарди. Афсус... Бундан икки йил олдин қаттиқ бетоб бўлиб, ётиб қолди. Уйда муолажалар қилдик, аммо аҳволи яхшиланмади. Зудлик билан шифохонага ётқиздик. Текширувлардан сўнг унда сил касаллигининг оғир формаси аниқланди. Ўлкаси операция қилингандан кейин эса узок яшамади.

Рафиқамнинг маъракалари ўтгач, ҳайхотдек ҳовлида уч эркак бир-биримизга суюниб қолдик. Қариндош-уруғлар ўртага тушиб, тезроқ ўйланг, болалар бўлса ҳали ёш, қийналасизлар, деб бир неча жойларга совчиликка бориб келишди. Лекин менга уларнинг ҳар хил талаблари ёқмайпти. Охири ўйлаб-ўйлаб, сизларга мурожаат этаялман. **Ёшим 38 да.** Қурувчиман. Топиш-тутишим ёмон эмас. Уй-жойим ўзимга етарли. Фарзандларимдан меҳрини аямайдиган 35 ёшгача, бир нафар фарзанди бор аёл бўлса ҳам майли, турмуш кураман.

СОБИР,
Сурхондарё вилояти.

ТУҲМАТ БАЛОСИ

Қизим Шоира коллежни тугатиб, энди ишга қирай деб юрганида ўзимизга маъқул бўлган оилалардан бирига узатдик. Турмуш ўртоғи, қайнона-қайнотаси билан тез тил топиши кетди. Бир куни мактабда ўқиб юрган пайтлари уни ёқтириб қолган Акмал деган йигит билан тасодифан учрашиб қолибди ва у осмондан тушгандек, сенда ҳалиям кўнглим бор, деб ҳоли-жонига қўймай телефон ра-

қамини сўраб олибди. Бир куни ишдан қайтаётса, яна шилқимлик қилиб, машинамга чиқмасанг, эрингга ҳалиям мени севади, дейман деб кўрқитибди. Шоира бўлган воқеани яширмасдан қайнонасига айтиб берса, ўша кунидек эри тўполон қилиб, қизимни айб сенинг ўзингда, деб роса калтаклабди. Шундан кейин ишдан бўшаб, уйда ўтириб қолди. Аммо қайсингиллари уни хиёнатчига чиқариб, низо кўзгайвергач, у уйимизга қайтиб келди. Эртаси куни қудамниқига бордим. Қуёвим, йўқ, мени шарманда қилди, ажрашаман, деб бизларни уйдан қувиб солди. Мен эса унда юринг, ўша номард билан юзма-юз гаплашайлик, тўхмат қилган бўлса судга берамиз, десам, қайнонаси чиқиб, қудажон, шамол бўлмаса дароҳнинг барги кимирламайди, бирор гап-сўзи бўлган-да, қўйинг, бизларнинг тенгими эмаскансизлар, деса бўладими. Хуллас, улар қонуний ажралишди. Ҳозиргача қизимни эрта турмушга узатганим учун ўзимни айблайман. Шоира **26 ёшда.** Тузуккина жойда ишлайди. Касб-кори тайин, 30 ёшгача бўлган, уйланиб ажрашган, бир нафар фарзанди бор йигит бўлса, узатамиз.

ҲАЛИМА,
Сирдарё вилояти.

КЕКСАЛИКДА ЁЛФИЗЛИК ЁМОН

Турмуш ўртоғим оламдан ўтганида кенжатайим тўрт ёшда эди. Ҳозир 24 га кирди. Шифокор бўлганим боис топиш-тутишим ёмон эмас, аммо маошага қараб ўтирмай, туни билан пиширик пишириб, буюртмага тарқатардим. Ҳалол меҳнатим билан уч фарзандимни тарбиялаб, оёққа турғаздим. Ҳаммаси олий маълумотли. Қизларимни узатдим. Ўғлим хорижда ишлаяпти. Невараларим билан бирга

истироҳат боғларига борганимда бир-бирига эш-қўш бўлиб, етаклашиб юрган чол-кампиралини кўрсам ҳавасим келади. Ёлғизлик оғир экан. Яхши бир инсон учраса, турмушга чиқсам-микан, десам, қудалардан уялардим. Ўзим каби турмуш ўртоғидан эрта айрилган бир дугонам яқинда турмушга чиқди. “Ўғил-қизинг ўзидан ортмай қоларкан, турмуш ўртоғинг эса ёнингга суюнчиқ бўларкан”, дейди у. Шундан сўнг ниятимни ҳеч кимга билдирмай, тўғри тахририятга келавердим. **Ёшим 60 да.** 65 ёшгача бўлган, диёнатли инсон бўлса, қолган умримни ўша инсон билан биргаликда ўтказардим.

МУҲАММАД ОНА,
Тошкент шаҳри.

СУМАЛАК... БИР БАҲОНА

Ўтган йил январь ойида “Бахтли бўлинг” рукнига неварамнинг ҳужжатларини топширган эдик. Мартда қўқонлик Машхураҳон исми аёл кўнғироқ қилиб, бизниқига совчи бўлиб келаётганини айтди. Яхши ният билан бугўданиндириб, қўшни аёллар билан бирга сумалак қилиш тараддудида гурунглашиб ўтирсак, маҳалла маслаҳатчиси билан келиб қолишди. Машхураҳон ўғлини ҳам олиб келган экан. Сумалак баҳона икки ёш учрашишди. Бир-бирларига маъқул келгач, тўйни тезлатиб юбордик. Бу йилги Наврўз кунда неварам ўғиллик бўлди. Унга Асадбек деб исм қўйдик. Яхши ният — ярим давлат, деб бежизга айтишмас экан. Тахририят орқали бахти очилган инсонларга ҳавасим келарди. Мана, мен ҳам ниятимга етдим. Барчангизга неварам Раҳимаҳон ҳамда унинг умр йўлдоши Эргашали номидан миннатдорчилик билдираман.

ҲИМОЯТ ҲОЛА,
Андижон вилояти.

БЕКАЛАРГА МАСЛАҲАТ ★ БЕКАЛАРГА МАСЛАҲАТ

ИСМАЛОҚ

Жағ-жағ, ялғиз, отқулоқ каби шифобахш кўкатлар каторида исмалоқ ҳам бебаҳо витаминларга бой ўсимлик сифатида қадимдан қадрланиб келинади. Ушбу ўсимлик оқсил ҳамда темир моддаси, фосфор ва фойли кислоталари, йод, С, В₁, В₂, РР, В₆, К, Е витаминлари, каротин, антиоксидантларга бой. Шунингдек, унинг таркибида калий, магний, натрий, кальций каби минерал тузлар ҳамда бирозгина қанд мавжуд.

Халқ табобатида исмалоқдан дармонсизликда ва иммунитетни мустаҳкамлашда, камқонликда фойдаланилади. Қарияларга ва рахит касаллиги билан оғирган болаларга жуда фойдали. Талок, ўпка хасталиқларида исмалоқни кўпроқ истеъмол қилиш тавсия этилади. Асаб тизимини мустаҳкамлаб, мия фаолиятини яхшилайди. Замонавий тиббиётда бу кўкатдан нурланишни даволашда ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Ибн Сино қабзиятда, йўталда ҳамда сафро-ўт ҳайдовчи омил сифатида исмалоқ қайнатмасини тавсия этган. Шунингдек, исмалоқ ошқозон ости бези учун ҳам жуда фойдали.

Узоқ сақланган исмалоқни болаларга бериб бўлмайди. Сақлаш жараёнида бир нарсага эътибор бериш лозим: агар исмалоқнинг япроқлари сарғая бошласа, демак, истеъмолга яроқсиз ҳисобланади.

Таркибида сув кўплиги туфайли ундан тайёрланган кўк сомса, кўк чучвара каби таомлар танага малҳамдек сингиб, тез ҳазм бўлиши билан бирга, кун давомида йўқотилган витамин ва минераллар ўрнини тўлдирди. Шунинг учун ҳам исмалоқни таомлар парҳезбон саналади.

Исмалоқ жигар, буйрак, бўғин касаллиқлари билан оғирган беморларга тавсия этилмайди.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Олимларнинг таъкидлашича, сут маҳсулотларини ҳар куни истеъмол қилиш мия фаолиятининг фаоллашишига, хотиранинг мустаҳкамланиши, диққатни жамлаш, нутқнинг равланлашуви ва идрокнинг тиниклашишига ижобий таъсир кўрсатар экан.

Маржумак (гречка), анор, олма, қора нон каби маҳсулотлар таркибида кўп миқдорда темир моддаси мавжуд бўлиб, миянинг фаоллашуви ва диққатни жамлашга жуда фойдали.

Чарм пойабзаллардаги доғ изларини бензин ёки пиёз шарбати ёрдамида артиб кетказиш мумкин.

Сув таркибида фтор, кальций, магний ва натрий моддалари мавжуд бўлиб, организмдаги моддалар алмашинувини яхшилайди.

Психологларнинг таъкидлашича, ҳар бир боланинг хонасида ўз иш столи бўлиши унинг ижодий томондан ривожланишига самарали ёрдам беради.

Кундалик овқатланиш рецептингиздан сархил саримсоқ пиёзни қанда қилмасангиз, холестерин хавфидан қутуласиз.

Либослардаги бир оз куйган қисмини тозалаш учун ўша жойини аввал лимон шарбатига ивиринг, сўнг шакар упаси сеипиб уч дақиқа шу ҳолда қолдириг. Кейин совуқ сувда ювиб ташланг.

Гулноза БОБОЕВА
тайёрлади.

ТАРОЗИ ПАЛЛАСИ ТЕНГЛАША...

Яқинда бир онахон билан сафарда ҳамроҳ бўлиб қолдик. Ҳалигача ўша мунис онахоннинг юзидagi самимий табассум кўз олдидан кетмайди. "Балки келинимни танирсиз, сизга ҳамкасб, нашриётда ишлайди, барака топгур, шунча ишдан ортиб, яна рўзгор юмушларига ҳам улгуради. Қачон кир ювиб, қачон нон ёпиб келганини ҳам билмай қоласан киши. Болагинам, кечаси бўлса ҳам, уй ишига вақт топади", дея келинини алқай-алқай, манзилига етиб келгач, ярим йўлда тушиб қолди. Мен билан ҳам кўп йиллик қадрдонлардай хайрлашиб, дуолар қилди.

Шу тобда ўша келинга жуда хавасим келди. Яхшиям шундай қайноналар бор, деб кўйдим ичимда кечаги дилхираликларни эслаб.

...Туманимиздаги маҳаллалардан бирига бориб, кутилмаганда бир оиладаги ўзаро келишмовчилик устидан чиқиб қолдик. "Бу гал ҳам яна қайнона-келин чиқишолмаяпти, — деб куюнди маҳалла маслаҳатчиси. — Уртада тўрт нафар фарзанд бор. Эр-хотиннинг муносабати яхши. Лекин онаси билан хотинини муросага келтиролмай ўғил бечоранинг ҳам боши қотган. Аввал хотинига қаттиқ-қуруқ гапириб бўлса ҳам


йўлга солди. Келин кечирим сўраб турганида қайнона юмшай демайди-да. Биз билан салом-алиқдан сўнг қайнона ёзғира кетди:

— Мен келинни кўчага олганман, айланай, кўчага. — Эрта саҳар кўл учидан у ёқ-бу ёқни йиғиштирган бўлади-да, болаларини боғчага, мактабга етак-



лаб, шу бўйи қорасини кўрсатмайди. Шомда уйини топади-да, ўргилай. Хуллас, келин олганим билан яна ўзим хизматга қолдим.

— Нима қилай, ишламаса ҳам бўлмайди. Рўзгорга, болаларнинг кийим-кечагига, харна ёрдам бўлади-да. Уй ишларини ҳам қилаяпман, фақат ўз вақ-



тида улгуришни эплотмаяпман, буниси рост. Очигини айтсам, уйда хизматларини қилиб ўтирсам ҳам ойиҳонига ёқиб мушкул, ишласам яна... Нима қилишга ҳам ҳайронман, — деди келин ҳам бироз жигибийрони чиқаётганини яширолмай.

— Уй ишларини кўнгилдагида қилмаганидан кейин ўргатаман-да, бу эса келинимга сира ёқмайди...

Хуллас, бири у деса, бири бу деб турибди. Аранг иккаловини муросага келтирдик. Келин яна узр сўради. Қайнона ҳартугул кечирди. Уларнинг иккови билан ҳам алоҳида сўхбатлашиб, маслаҳатлар беришга ҳаракат қилдик. Мен қайнонага ҳалиги келинини мақтаган онахон ҳақида сўзлаб бердим, буни эшитиб у бироз ўйланиб қолди, яхшиликка бўлсин, деб умид қилдим.

...Йўлда бир зумгина ҳамроҳ бўлган онахоннинг эса исмини ҳам билмайман, балки кўрсам танимасман ҳам. Лекин унинг ширин сўзларидан, меҳрли нигоҳидан дилимда ёруғ бир илиқлик қолди.

Шу лаҳзада ҳаммамиз севиб тинглаган машҳур хофизнинг "Бир олманинг икки юзи, бири сенсан, бири мен" деган сатрлари эсимга тушди. Демак, қачонки, Ҳаёт аталмиш тарозининг посангиси тенглаша, ҳеч қачон оиладаги мувозанат бузилмайди.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА.



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

ИСЛОМЖОН ЖАҲОН СУПЕРКУБОГИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Исламжон Азимов Москва шаҳрида ўтказилаётган жанговар самбо бўйича Жаҳон суперкубоги — Анатолий Харлампиев хотира турнири голиблигини қўлга киритди.

Мусобақаларда дунёнинг 29 давлатидан келган спортчилар иштирок этишмоқда.

100 кг. гача вазн тоифасидаги мусобақалар финалида андижонлик Азимов молдавиялик Григорий Постикни мuddатидан аввал мағлубиятга учратиб, бош соврин соҳиби бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Осиё чемпиони, 2011 йилги жанговар самбо бўйича жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори Исламжон ўтган йили Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида тан жароҳати туфайли мусобақаларнинг ярим финал босқичига чиқолмаган эди.

«БУНЁДКОР» ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ

"Бунёдкор" вице-президенти Бахтиёр Бобоев интизомий жазага тортилди. Бу ҳақида Ўзбекистон Профессионал лигаси расмий сайти www.pfl.uz да хабар қилинмоқда.

Олий лига 3-туридан ўрин олган "Бунёдкор" — "Олмалик" ўйини якунига етгач, "Бунёдкор" вице-президенти Бахтиёр Бобоев ҳакам ёрдамчиси Хусниддин Шодмоновни ҳақорат қилган ва унга сув тўла баклажани отган.

Ўзбекистон футбол клублари ўртасидаги футбол бўйича мусобақа Регламенти бузилгани учун Интизом Кодексининг 5.53-моддаси ҳамда 5-модда 2-бўлим 5.36-бандига кўра Бахтиёр Бобоев жаримага тортилди. Яна шундай ҳолат такрорланганидан бўлса, жазо чоралари кучайтирилади.

Эслатиб ўтамиз, олий лигамизнинг 3-туридан кейин Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси 9 очко билан биринчи, «Насаф», «Олмалик», «Локомотив» ва «Бунёдкор» жамоалари эса бир хил 7 очко билан кейинги ўринларни эгаллаб туришибди.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ИСМ ЎЗГАРГАНДА

янги гувоҳнома
такрорий саналадими?

Маълум сабабларга кўра фуқаронинг фамилия, исми, ота исми қонуний тартибда ўзгарганида у олган янги гувоҳнома такрорий деб ҳисобланадими?

С. Файзиёева.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2013 йил 31 декабрда қабул қилинган "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома"нинг 52-бандига асосан: "Фамилия, исм, ота исмини ўзгартирганлик сабабли бериладиган янги гувоҳномалар Такрорий гувоҳномаларни сарфлаш дафтаридида қайд этилади. Бунда янги гувоҳномага "такрорий" деб белги қўйилмайди".

Саволга Фаргона вилоят адлия бошқармаси Нотариат, адвокатура ва ФХДЭ органлари бўлими бош маслаҳатчиси Ҳимоятхон ТОЖИБОЕВА жавоб берди.

ҲАР БИРИНИНГ ЎЗ МУЛКИ БОР

Оилада бирга яшаётган эр-хотинни ҳар бирининг алоҳида мулки қандай белгиланади?

Т. Ҳамидуллаева.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 25-моддасида белгиланишича: "Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳада, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади. Никоҳ давомида эр-хотиннинг умумий мулки ёки улардан ҳар бирининг мол-мулки ёхуд эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг қиймати анча ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмирлаш, қайта қуриш, қайта жиҳозлаш ва бошқалар) қўшилгани аниқланса, эр ёки хотиндан ҳар бирининг мол-мулки уларнинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкин."

Шунингдек, мазкур Кодекснинг 26-моддасига асосан:

"Қимматбаҳо буюмлар ва зебу зийнатлардан бошқа шахсий фойдаланишдаги буюмлар (кийим-бош, пойабзал ва бошқа шу кабилар), гарчи никоҳ давомида эр ва хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган бўлса ҳам, улардан фойдаланиб келган эр ва хотиннинг хусусий мулки ҳисобланади."

Саволга Бектемир туман ФХДЭ бўлими мудири
Мавжуда МАҚСУДОВА жавоб берди.

ТЕНГ ҲУҚУҚ, ТЕНГ МАЖБУРИЯТ

Оилада эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида қандай белгиланган?

С. Барноев.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 18-, 19-моддаларига асосан, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатга олинган

пайтдан бошлаб никоҳни тузганлар эр-хотин деб ҳисобланадилар ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади. Эр ва хотин оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эгадирлар. Мазкур кодекснинг 20-, 21- моддаларига асосан, никоҳ тузиш вақтида эр ва хотин ўз хоҳиши билан эри ёки хотинининг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлайди ёки уларнинг

ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолади. Эр ва хотиндан бирининг ўз фамилиясини ўзгартариши бошқасининг ҳам фамилияси ўзгаришига олиб келмайди. Болалар тарбияси ва оилавий турмушнинг бошқа масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қиладилар.

Саволга Фановий вилоятати
Хатирчи туман ФХДЭ бўлими
мудири Насиба ТУРАЕВА
жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуну учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Дилором
МАТКАРИМОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ,
Мусаҳҳиҳлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темуру кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г
— 438. Формати А-3, ҳажми 2 табок. Адади —
9598. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46